БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 20 ноябрь Сешанба

№ 221 (13.657). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

## М. С. Горбачевнинг Римда бўлиши

**РИМ, 18 ноябрь (ТАССнинг махсус мухбирлари Анатолий Красиков, Сергей Старцев, Александр Тараканов, Николай Тетерин).** ССЖИ Президенти М. С. Горбачев бугун Италия раҳбариятининг таклифига биноан бир кунлик амалий ташриф билан Италияга келди.

Пойтахтнинг иккала мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Фьюмичино тайёрагоҳида М. С. Горбачев билан унга ҳамроҳ бўлган кишиларни Италия Вазирлар Кенгашининг Раиси Жулио Андреотти, бошқа расмий кишилар кутиб олишди. Кутиб олувчилар орасида ССЖИнинг Италиядаги элчиси А. Л. Адамишин ва Италиянинг ССЖИдаги элчиси Ф. Саллео бор эди. Совет Иттифоқининг давлат мадҳияси ижро этилди. М. С. Горбачев Фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Совет меҳмони тайёрагоҳдан ўзи учун ажратилган боргоҳга — Президентнинг Квиринал саройига йўл олди. Бу ерда расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Италия Президенти Франческо Коссига М. С. Горбачев билан самимий саломлашди. Квиринал саройи узра Италия жумҳурияти байроғи ёнида ССЖИ давлат байроғи кўтарилди.

Совет Иттифоқи Президентининг Италияга қилган ушбу ташрифи ўзининг қисқа муддатли ва бутунлай амалий тусдалигига қарамай, алоҳида аҳамият касб этди. Римда чиқадиган «Мессажеро» рўзномасининг таъкидлашича, бу ташриф «Совуқ уруш» ҳақиқатан тугаган вақтга тўғри келди. «ССЖИ билан Италия янги Европани қуришнинг биргаликдаги йўлини белгилайди ҳамда Европа ҳамжамияти билан ССЖИ ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди», — деб ёзади рўзнома.

Италияда мазкур ташрифдан икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариб ва конкрет мазмун билан бойитиб янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун янги омил бахш этишга қодир бўлган катта натижалар кутаётганликларини яширмаяптилар.

* * *

Йўл чеккасида тўпланган римликлар совет раҳбарини ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни қутлаб кутиб олишди. «Абадий шаҳар»нинг майдонларидан бирида М. С. Горбачев автомашинани тўхтатишни илтимос қилиб, ташқарига чиқди. Қисқа жонли суҳбат чоғида римликлар қайта қуришга муваффақият тиладилар ҳамда у фақат совет кишилари учун эмас, шу билан бирга сайёрадаги барча халқлар учун ҳам ижобий натижалар келтиради, деб умид билдирдилар.

ССЖИ Президенти Ватикандан Квиринал саройига қайтиб келганидан кейин Италия давлати бошлиғининг хонасида М. С. Горбачев билан Ф. Коссига ўртасида музокаралар бошланди. Музокараларда Ж. Андреотти иштирок этди. Шундан кейин музокаралар кенгайтирилган тартибда давом эттирилди. Унда совет делегациясининг аъзолари, Италиядаги бир қанча вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳам қатнашдилар.

Италия жумҳурияти Президенти номидан М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачева шарафига нонушта зиёфат берилди.

Қисқа танаффусдан кейин совет раҳбари билан Италия ҳукумати бошлиғи ўртасидаги музокаралар давом этди.

* * *

Музокаралар тугаганидан кейин Совет — Италия ҳужжатларини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Асосий ҳужжат — ССЖИ билан Италия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ССЖИ Президенти М. С. Горбачев билан Италия Вазирлар Кенгашининг Раиси Ж. Андреотти имзоладилар.

Шундан сўнг икки мамлакат ташқи ишлар вазирлари Э. А. Шеварднадзе билан Жанни де Микелис қарз бериш тўғрисидаги ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги аҳдномаларни имзолашди.

* * *

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Италия Вазирлар Кенгашининг Раиси билан ССЖИ Президенти нутқ сўзладилар.

* * *

**ВАТИКАН, 18 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари).** Бугун ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Ватикан давлатининг бошлиғи папа Иоанн Павел II билан учрашди.

* * *

Кечки пайт Квиринал саройининг Кирасирлар залида М. С. Горбачевга «Фьюжи» халқаро мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мукофотни Италиядаги «Фьюжи» фондининг бош кенгаши бу йил ССЖИ Президентига берди. Таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, кордонлар, олимлар, журналистлар, маданият оламининг вакилларидан иборат обрўли ҳакам мукофот «сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги фаолияти инсон ҳуқуқларини қарор топтириш учун курашда беназир намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган инсон» сифатида совет раҳбарига берилганлигини таъкидлади.

Фонд Уставга мувофиқ ҳар йили хизматлари мамлакатда юксак баҳоланган италияликларга мукофот беради. Халқаро мукофот совриндори эса уч йилда бир марта белгиланади.

«Фьюжи» фонди бош кенгашининг президенти Ж. Андреотти қисқача табрик сўзи билан чиқиб, шундай деди: «Ҳозир сиз шу ерда, Римда эканлигингизни, эртага эса Парижда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши навбатдаги босқичининг тантанали очилиш маросимида бўлишингизни бахтли тасодиф деб ҳисоблайман. Бу кенгаш Хельсинкидаги кенгашнинг якунловчи ҳужжати 15 йил муваффақиятли амал қилганидан кейин бу гал ҳам жаҳонга барқарорлик ва тинчликнинг янги уфқларини очиб беришни ваъда қилмоқда.

Дастлаб ҳар нарсага ишончсизлик билан қаровчилар кўп, мухолифлар анчагина бўлиб, вужудга келган ишончсизлик ҳамда ўзаро мулоқотнинг имкони йўқлигига кўникиб қолганлар истаганча топилар эди. Лекин яхшилик уруғи яхши ҳосил беради...»

Ф. Коссига мукофотни М. С. Горбачевга топширди.

* * *

Маросимнинг расмий қисми тугагач, «Венециялик яккахон хонандалар» дастасининг кичик концерти бўлиб ўтди.

Кечқурун совет давлатининг раҳбари Римдан Парижга жўнаб кетди. Тайёрагоҳда М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачевани Ж. Андреотти ва унинг рафиқаси, бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

* * *

**ПАРИЖ, 19 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари).** ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши қатнашчилари бўлган 34 мамлакат раҳбарларининг бугун очиладиган учрашувида қатнашиш учун Франция пойтахтига келди.

## ПАРИЖДАГИ КЕНГАШГА ДОИР

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг шу йил 19—21 ноябрь кунлари Парижда бўлиб ўтадиган кенгашида иштирок этади.

Кенгаш чоғида Европадаги оддий қуролли кучлар юзасидан шартнома, Варшава Шартномасига ва НАТОга аъзо бўлган давлатларнинг қўшма декларацияси, кенгашнинг якунловчи ҳужжати қабул қилинади.

Парижда ССЖИ Президенти билан Умумевропа кенгашида иштирок этаётган давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари ўртасида бир қанча учрашувлар ўтказиш ҳам мўлжалланган.


## ССЖИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ
## ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТЎРТИНЧИ СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**ССЖИ Олий Кенгаши қарор қилади:**

ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съезди 1990 йил 17 декабрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

**ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси**
**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил, 17 ноябрь.



## Ўзбекистон комсомоли: съездолди мунозараси

**Ўзбекистон комсомолининг XXIV съезди арафасида Ўзбекистон ЛКЁИ МҚнинг биринчи котиби Азиз НОСИРОВ билан суҳбат**

## БУ — БОШҚАЧА СЪЕЗД БЎЛАДИ...

**— Азиз ака, агар эсингизда бўлса, бундан тўрт йил олдин сиз билан биринчи марта рўзнома учун суҳбатлашганимизда, мен бир неча кун олдин саволларни машинкада кўчиртириб ташлаб келгандим. Маълум вақт ўтгач эса, тайёр жавобларни бериб юборгандингиз. Лекин орадан анча фурсат ўтди, замон ўзгаряпти, шунга яраша сиз билан биз ҳам ўзгараяпмиз. Демоқчиманки, энди олдиндан савол тайёрлаб ўтирмасдан, мана шу юзма-юз ўтирганда рўйирост гаплашаверсак...**

— Розиман.

**— Унда бошладик. Сиз комсомолнинг XXIII съездида биринчи котибликка сайлангандингиз. Ҳозир эса XXIV съезд бўсағасида турибмиз. Айтингчи, шу ўтган умрингиздан розимисиз?**

— Қаранг, тўрт йил ҳам ўтиб кетибди-я, умр оқар дарё деганлари шу экан-да! Қолаверса, ҳаётимиздаги воқеалар, юз бераётган жараёнлар шу қадар тезлашиб кетдики... Ўтган тўрт йил ҳақида нима дейишим мумкин. Бу кунлар ҳақиқий маънодаги инқилобий, янгиланиш йилларики, кимнинг нимага қодир эканлиги намоён бўладиган, ўз олдига мақсад қилиб қўйган қийин ва оғир вазифаларни амалга оширишга шароит яратиб берадиган йиллар бўлди. Бизнинг чекимизга мана шундай тезкор, шиддатли, мураккаб даврда ишлаш тушган экан. Бу ҳам масъулиятли ва айни пайтда фахрли...

Шу даврга қадар комсомолда ёмонидан кўра яхши кунлар кўп бўлган экан. Лекин мен ҳозир ана шу ёмон, оғир кунларини эсламоқчиман. Фарғона, Бўка, Паркент, Ўш фожиалари... Ўшда қон тўкилган кунлари биз Андижонга етиб бордик. Халқни тинчлантиришга, вазиятни сақлаб туришга, яна катта мусибатлар юз бермаслиги учун кечани-кеча демай, кундузни-кундуз демай елиб-югурдик. Мана шундай кезларда ёшларга кераклигингни, улар сенга ишонишини сезсанг, ҳис қилсанг, демак ўтган умрингдан рози бўлсанг арзийди...

Лекин халқимиз бошига бундай кунлар бошқа тушмасин. Биз ҳам ўз кучимизни, имкониятимизни бошқа ишларда, хайрли мақсадларда кўрсатайлик. Қолаверса, бундай кунлар одамни қаритаркан. Руҳингни тушириб юбораркан. Шу боис биз ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, бундай фожиаларнинг олдини олиш тўғрисида қайғуришимиз керак.

Жумҳуриятимиз равнақи, ёшларимизнинг келажаги ҳақида кўпроқ ўйлаб, бунинг учун кўпроқ ишларни амалга оширсак дейман.

**— Шу даврда нима ишлар қилинди. Комсомол ёшлар ҳаётига реал таъсир кўрсата олдими?**

— Комсомол иши қизиқ-да... Қилган ишинг ҳамиша ҳам кўзга кўринавермайди. Мисол учун ишчини олсак, тайёрлаган детали унинг меҳнати натижаси. Колхоз ўз пахтасининг тоннаси, центнери, плани билан салмоқли...



Бизнинг қилган ишимизни тарозида тортиб бўлмаса, қўлга ушлаб бўлмаса. Лекин бу муҳими эмас. Муҳими, бу ташкилот ёшларнинг кунига яраяптими, уларнинг ташвишлари учун жон куйдираяптими, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила олаяптими? Мана бизнинг ишимизнинг мезони. Тарозиси.

Шу маънода олиб қараганда нима ишлар қилинди? Съезддан кейин биринчи кунданоқ иш усулимизни тубдан ўзгартириш тўғрисида келишиб олдик. Дастлабки пленумларимиздан бирида ижтимоий аҳамиятга эга ишларни белгиладик. Бир йилдаёқ уларнинг 80 фоизини уддаладик. Қолоқ хўжаликларга оталиқ қилиш, комсомол-ёшлар бригадалари ишини яхшилаш, қаровсиз оилаларга ёрдам, «афғон»ларга ғамхўрлик, жойларда ёшларни иш билан таъминлаш, улар учун дам олиш шарт-шароитлари яратиш... Мен буларни номма-ном, исми-шарифи, манзилгоҳи билан айтишим мумкин. Лекин шарт бўлмаса керак.

Кейинги пленумларда ёшларнинг фан-техника ижодкорлиги масаласини кўрдик. Шунда айримлар бизда бу соҳани ривожлантириш қийин, бу ишларни Москвада, Ленинградда, Болтиқбўйида амалга ошириш мумкин, бизнинг шароитга эса бу тўғри келмайди деб туриб олишди. Шунга қарамай, пленумни ўтказдик, бу борадаги ишларни бошлаб юбордик. Ҳозир 60 та фан-техника ижодкорлиги маркази ишлаб турибди. Уларнинг бир йиллик даромади 100 миллион сўмдан ошиб кетди. Бўларкан-ку! Ҳа. Бизнинг ёшлар марказдагилардан асло қолишмайди. Ахир бу халқ Улуғбеку Ибн Сино, Ал Хоразмий, Навоийларнинг авлоди-ку. Фақат уларни қўллаб-қувватлаш керак, эътибор керак, холос.

Ҳозир турли соҳада 300 дан ошиқ комсомол корхоналари, шохобчалари бор. Бунинг натижасида уч ярим мингдан ошиқ киши доимий иш билан, 40 мингдан ошиқ киши шартнома асосида иш билан таъминланди.

Комсомол экология масаласига жиддий киришди. Биргина Фарғонадаги «Изланиш» маркази ўтган йили атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 336 минг сўмлик иш бажарди.

Комсомол байналмилал-жангчилар ва заҳирадаги жангчилар жумҳурият (ассоциацияси) уюшмасини тузиш ташаббускори бўлиб чиқди. Яшаш шароити оғир бўлган ёшларимизга, «афғон» ногиронларига кўмаклашиш учун бир миллион сўм пул ажратди. Ёки масалан ҳарбий хизматдаги юртдошларимизга муносабат масаласини олайлик. Биз бу масалани биринчи бўлиб ўз пленумимизда кўриб чиқдик. Бир гуруҳ Ўзбекистон халқ депутатлари бошчилигида Москвага бориб ССЖИ Олий Кенгаши ҳукумат раҳбарлари ва мудофаа вазири Д. Т. Язов билан учрашдик ва масалани кўндаланг қўйдик. Президентимизнинг халқ кутган фармонида ўзимизга яраша ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз. Мен неча-неча ходимларимиз укаларимиз хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга бориб келгани, уларга китоблар, рўзнома-ойномалар, чолғу асбоблари жўнатиб туришимиз тўғрисида гапириб ўтирмайман. Бундай мисолларни яна талайгинасини айтишим мумкин-ку...

Масаланинг яна бир жиҳати тўғрисида айтиб ўтишим керак. Мана жумҳурият Президенти қатор Фармонлар қабул қилди. Ҳаётий, шу куннинг дардларига малҳам бўладиган ишлар. Нега бизнинг қарорларимиз мана шундай ҳаётбахш кучга эга эмас. Тўғри, имкониятимиз чекланган. Лекин мана шу шароитда ҳам ёшлар учун энг долзарб, сувдай, ҳаводай зарур масалалар бўйича қарорлар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни ўрганишимиз ва бу ишларга ҳиссамизни қўшишимиз керак.

**— Юқорида сиз айтгандай, комсомол талай ишларни амалга ошираётганига қарамай, унинг мавқеи тобора тушиб кетаяпти...**

— Бирорта ташкилотнинг мавқеи ҳақида гапирганда, бир нарсани унутмаслик керак, унинг мавқеи тушиб кетаяптими ёки кўтарилиб кетаяптими, барибир, энг аввало у ёшларга керакми? Йўқми? Мана шундан келиб чиқиб фикр қилиш керак. Бу биринчиси.


Иккинчидан, бирор ташкилотнинг мавқеи тўғрисида ҳукм чиқаришда уни жамиятдан ажратиб олиб баҳо бериш нотўғри. Жамиятнинг аҳволи ночор бўлса-ю, комсомолнинг мавқеи баланд бўлиши мумкинми? Ёки аксинчаси. Биз эндиликда эҳтиросларга эрк бермасдан, мамлакатни бу оғир аҳволдан олиб чиқиш тўғрисида ўйласак, нафақат ўйласак, бунинг учун курашсак, жамиятнинг ҳам, мамлакатнинг ҳам, обрўсини тиклаб оламиз. Комсомол масаласига келсак, уни «юқори»га эмас, балки ёшларга яқинлаштирсак, уларнинг ҳимоячиси ва таянчига айлантирсак, ишларимиз юришиб кетади. Мен бунга ишонаман ва ташкилотимизнинг ана шундай янгиланиши тарафдориман.

**— Баъзан қаерда ишлайсан деса комсомолда десангиз, одамларнинг энсаси қотадиган, «қўй ўша идорангни!» дейдиган бўлиб қолишган. Бу сизга алам қилмайдими?**

— Нима ҳам деймиз... алам қилади. Одамнинг қаерда ишлашига, ўзини кимнинг олдида қандай тутишига, қандай кийинишига қараб баҳо бермаслик керак. Унинг ўша жойда қандай ишлаётганига, одамларга нафи тегаётганига, қолаверса, одамгарчилиги, виждонлигига қараб баҳо бериш

(Давоми 2-бетда).

## Тошкент Давлат дорилфунуни—70 ёшда







## БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БОШЛАНДИ

Тошкентда ёшлар билан доимо гавжум бўладиган бир жой бор. Ҳ — Талабалар шаҳарчасидир. Мана, неча кундирки, Талабалар шаҳарчаси байрамона тус олган. Мамлакатимизнинг турли жойларидан, хориждан, жумҳуриятимизнинг чекка қишлоқларидан меҳмонлар ташриф этишган.

Улар бу ерга бир ният — дорилфунуннинг 70 йиллиги тантаналарида қатнашиш, устозларини муборакбод этиш учун келишган.

Куни кеча дорилфунуннинг бош биносида байрам тантаналари бошланди. Эрталаб доҳиймиз В. И. Ленин ҳайкали атрофи Тошкентнинг турфа анвойи гуллари билан бурканди.

Илм маскани Маданият саройида жаҳоннинг 46 та олий билимгоҳларидан келган меҳмонлар, делегация раҳбарларининг қабул маросими ўтказилди. Йиғилганларни Президентлик кенгашининг аъзоси, ТошДД ректори Эркин Юсупов қутлади. Ректор қабулидан кейин дорилфунун юбилейига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Маърузаларда 1920 йилда Ленин декретига биноан ташкил этилган дорилфунун ҳозир мамлакатдаги етакчи олий ўқув юртларидан бирига айланганлиги таъкидланди. Ҳозир бу ерда 20 минг талаба — мамлакатдаги 46 миллат ва элат вакиллари, 65 та чет давлатнинг фуқаролари таълим олмоқда.

Дорилфунун 70 йил ичида қандай ютуқларни қўлга киритди? Унинг фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин? Бунга ўхшаш кетма-кет саволларга бир йўла тўлиқ жавоб бериш мумкин. Дорилфунун музейига кирган ва унинг экспонатлари билан танишган ҳар бир кишида ортиқча саволга ўрин қолмайди.

Байрам куни дорилфунун бош биносининг 12-қаватида ТошДД музейи очилди.

Дорилфунун юбилейи тантаналарида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов ва Ўзбекистон ССЖ Олий ва Ўрта махсус таълим вазири Ш. О. Алимовлар иштирок этишди.



СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Суратчи Е. ВОТИРОВ.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИ ПЛЕНУМИ

Куни кеча Наманган вилоят комсомол қўмитасининг пленуми вакиллари Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига нуқтаи назари масаласини муҳокама этдилар. Мазкур масала юзасидан вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби М. Турсунов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда таклифлар, фикр-мулоҳазалар ўрганилиб, аниқ нуқтаи назар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ЛКЁИнинг сайлаб қўйиладиган органларига номзодлар кўрсатиш масаласи ҳам кўрилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказқўмининг иккинчи котиби И. Бибиков қатнашди.

**М. ҒАНИЕВ,**
**вилоят комсомол қўмитаси матбуот шўъбаси мудири.**

# БУ — БОШҚАЧА СЪЕЗД БЎЛАДИ...

(Боши 1-бетда).

тўғри бўларди. Менга ҳам баъзан ярим ҳазил, ярим чин қилиб шундай дейишади. Учраган ҳар бир одамга тушунтириб ўтириш мумкинмас-ку. Индамай қўя қоласан, киши... Тўғриси, мени бу гаплар унча чўчитмайди. Энг чатоғи — одамлардаги ҳозирги кайфият. Нимадан гап чиқса «э-э, бу идорани ёпиш керак, манавинисини тарқатиш керак», дейдиган бўлиб қолишди. Эр-хотин уришиб қолса, эр очлик эълон қиладиган, хотин иш ташлайдиган, бола-чақаси митинг қиладиган бўлиб қоляпти. Бунақада батамом ўтириб қолмаймизми?

**— Ҳозир қаёққа қараманг, тўртта одам йиғилса, съезд қиладиган бўлиб қолди. Колхозчилар, шахтёрлар, экстрасенслар, футболчилар, фолбинлар... Яна бир неча кундан кейин эса Ўзбекистон комсомолининг съезди. У ёшларга нима беради! Съезддан кейин ёшлар ҳаётида ҳеч ўзгариш бўлармикан! Умуман у охирги съезд бўлмасмикан!**

— Биринчидан, гапларингизда жон бор. Ўзи съезднинг қадрини ҳам тушириб юбордик. Гап фақат экстрасенслар-у, фолбинларда эмас. Комсомолнинг ўзини олайлик. Бу йил БЛКЁИнинг XXI съездини ўтказдик. Келаси йил XXII съезди бўлади. Шу керакмикан? Биз бу масала бўйича фикримизни айтдик. Лекин ҳозир ўзингиз таъкидлагандек, одамлар «съездбозлик эпидемияси»га йўлиққан кўринади. Гапимизни ўтказолмадик...

Энди яқинда бўладиган ўз съездимиз ҳақида. Мен уни олдинги съездлардан устун қўяман. У комсомолни тамомила янгилаши керак. Биринчи маротаба жумҳурият комсомоли ўзининг Дастурини, ўзининг Уставини қабул қилади. Бир пайтлар биз «Комсомол ягона, яхлит ташкилот дердик. Жумҳурият ташкилотлари БЛЁИга бирлашиши керак» дердик. Ўша давр учун бу тўғри эди. Лекин жамият тараққиёти шу даражада тезлашиб кетаяптики, кечаги ишларимиз бугунга тўғри келмай қолаяпти. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги энг асосий вазифа жумҳуриятимизнинг тўла маънодаги мустақиллиги ва равнақи, халқимизнинг тинчтотувлиги, фаровонлиги экан, биз ҳам вазифаларимизни мана шулар асосига қуришимиз керак. Бундай қилмасак, жамият тараққиётидан орқада қолиб кетишимиз мумкин. Ҳар бир ташкилот ўз вазифаларини жамият тараққиётининг ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда белгилаши керак. Комсомол ҳам. Шунинг учун бу съезд керак. Мен ҳеч қачон бу охирги съезд бўлади, деб ўйламайман. Ёшлар бор экан, уларнинг муаммолари бор экан, улар сиёсатга қизиқар экан, бу ташкилот керак. Ваҳоланки, хоҳлайсизми, йўқми, ёшлар билан, уларнинг ўй-ташвишлари билан шуғулланаётган ташкилот ҳозирча битта — у ҳам бўлса комсомол.

**— ВЛКСМ XXI съездини тилга олдингиз. Унда сиз назаримда «бош роллардан» бирини ўйнадингиз. Кўпинча съезднинг бориши сизга боғлиқ бўлиб қолди. Бу албатта мамлакат комсомоли ҳаётида сизнинг ўз ўрнингиз борлигидан далолат. Шу съездда сизни БЛКЁИ МҚсининг котиблигига сайлашмоқчи бўлишди. Сиз эса рози бўлмадингиз...**

— Мен эмас балки делегациямиз асосий ролларни бирини ўйнади. Бизлар биргаликда Ўрта Осиё ва Қозоғистон делегациялари баъзи бир бошқа жумҳурият ва вилоятлар билан бирлашиб ҳаракат қилдик. Бу эса жуда катта куч. У бир пайтлар тўғри келган қарорларга овоз бериш вақтлари ўтиб кетди. Биз энди ўзимизни, ўз фикримизни ҳимоя қила олишни ўргандик. Қолаверса, съездга делегат сайлаш ва демократик руҳда ўтган, ўзига ишонган, дадил ёшлар Москвага борганди. Орқангда мана шундай кучни сезгач, ўзинг ҳам дадил бўлиб кетаркансан киши. Жумҳуриятлар ёшлари ўртасида, уларнинг позицияларида низо чиқмаслиги учун, ёшлар ҳаракатини батамом парчалаб юбормаслик учун съезд ҳайъатида ҳам, залда ҳам астойдил терлашга тўғри келди. Ҳамма масала бизнинг истагимиздай ҳал бўлди десам нотўғри бўлади. Лекин шундай пайтлар бўлдики, съезд бўлиниб кетишига, у тарқатиб юборилишига оз қолганди. Бутун масъулятни ўзимизга олдик, десак тўғри бўлади.

Қолаверса, тажриба ҳам кўп нарсани беракан.

**— Умуман комсомолнинг келажаги қандай бўлиши керак! Унинг мақоми БЛКЁИ таркибидалиги тўғрими! Федерация субъекти бўлиб қолиши-чи!**

— Мен ҳамиша бир нарсани такрорлайман. Ташкилотимиз бир бўлиши керак. Лекин қандай бир бўлиши керак? Марказнинг раъйига қараб яшайдиган бирликми, ёки жумҳурият шароитидан келиб чиқиб, унинг мустақил ривожига асосланган бирликми? Бизга мақсадлари, вазифалари бир, лекин кураш йўллари, тактикаси ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда иш кўриш учун бор имкониятни яратиб берадиган бирлик керак. Ҳозирги пайтда ҳар бир жумҳуриятнинг тараққиётидан келиб чиқиб унинг ўз ҳаракатномаси, Устави бўлиши керак. Биздаги ҳаётни, ўзгаришларни ўзимиз яхши биламизми ёки марказдагилар. Улардаги шароит бизга тўғри келадими? Улар қабул қилаётган қарорларчи? Жуда кўпи тўғри келмайди. Шунинг учун ҳар бир иттифоқдош ташкилот ташкилий, сиёсий, ғоявий жиҳатдан мустақил бўлиши керак. Лекин моҳиятимиз, умумий вазифаларимизга келганда унда бирлик тарафдориман. Мана шундай қилсак ютамиз...

**— Жамиятимизда ғалати бир жараён юз бераяпти. Биз учун шу пайтгача муқаддас саналиб келаётган қадриятлар — коммунизм, марксизм-ленинизм, коммунистик партия, социализм каби тушунчалар ўзининг эски оҳорини йўқотмоқда. Ҳатто Ленинга муносабат, унинг илмий меросига муносабат ўзгармоқда.**

**Комсомол ҳам бундан мустасно эмас.**

— Жуда тўғри савол, айни пайтда оғир савол...

Кўп йиллар давомида бизларни китоблар, шиорлар билан тарбиялаб келишган. Ётсак, ҳам турсак ҳам — коммунизм, ленинизм. Лекин уларнинг моҳияти қандай эди? Наҳот шу қадар сароб нарсалар бўлса улар? Мен БЛКЁИнинг XXI съездида ҳам бир нарсани айтгандим: «Қачонгача Ленинга тош отилади? Қачонгача унинг номи булғанади?»

Лекин сўзимнинг иккинчи томони ҳам бор эди. Бизга шу пайтгача ҳақиқий Ленин ўргатилганми? Йўқ. Ҳар бир раҳбар Ленин таълимотини ўзига мос тарзда ўзлаштириб келган. Сталин даврида ҳам, Хрушчевда ҳам, турғунликда ҳам, ким нима иш қилса, уни Ленин иборалари билан боғлаган, ўзига «муҳофаза қўрғони» қилган. Бошимизга тушаётган барча бало-қазоларга ким айбдор? Ленинми? Йўқ, ўзимиз. Биз Лениндан ўз манфаатларимиз учун фойдаланиб келдик.

Биз шу тариқа барча қадриятларимизнинг оҳорини тушириб юбордик. Биз шундай жамият қуришимиз керакки, у халқимизнинг тараққиёти, равнақи, тўкинлигини таъминлай олсин, Ленин орзу қилган социализм аслида мана шундай бўлиши керак. У қашшоқ, халқлари қонталаш, дастурхони қуп-қуруқ жамиятни назарда тутган эмас. Биз энди барча хатоларимизни унга тўнкашимиз инсофдан эмас. Ленинни ўқишимиз, ўрганишимиз, тушунишимиз керак.

**— Илгари комсомолнинг асосий вазифаси — ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш эди. Энди-чи! Энди қандай бўлади!**

— Ҳа ёшлар тарбияси билан комсомол ҳам шуғулланади. Лекин ота-онасининг, мактабнинг тарбиясини олмаган ёшлар комсомолнинг тарбиясини олармиди? Тарбия билан энг аввало ким шуғулланиши керак?! Жамият!!! Жамият ўз моҳияти, вазифаларининг халқпарварлиги билан ёшларни тарбиялаши керак. Шу сабаб, ўзгараётган жамиятда, янгиланаётган мамлакатнинг янгиланаётган комсомолининг ҳам вазифаси ўзгариши керак. Ёшлар тарбиясини бўйнидан соқит қилмаган ҳолда, комсомолнинг эндиги вазифаси — жумҳуриятнинг равнақи йўлида, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиш, ёшларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлади. Съездимизнинг асосий мақсади, Дастуримиз, Уставимизнинг бош ғояси ҳам шу.

**— Гапингизни бўлганим учун узур-у, жумҳурият комсомоли ўзининг алоҳида Устав ва Ҳаракатномасини ишлаб чиқиши шартмиди! Умуман у ёшларга нима беради!**

— Мустақил ҳаракат йўлини танлаётган жумҳурият комсомол ташкилотининг ўз Устави ва Ҳаракатномаси бўлиши, албатта, шарт. Бусиз кейинги фаолиятимиз, равнақимиз тўғрисида гапириш қийин. Энг муҳими у ёшларни ўзига қизиқтира олишида, ёшлар бу ҳужжатларга, уларнинг кучига ишонишида. Ўзи ёшлар ким? Улар — ишчилар, колхозчилар, ўқувчи ва талабалар, ижодкор ва зиёли йигит-қизлардир.

Хўш, уларнинг ҳар бири бизнинг дастуримизни ўқиганда, ўзини қийнаётган муаммолар, кундалик ҳаёти учун зарур ечимларни топа оладими? «Ахир бу мен учун ёзилган экан-ку, менинг ҳуқуқларимнинг ҳимоячиси экан-ку!» дейдими? Мен ана шундай ҳужжатларни қабул қилиш тарафдориман. Халқ билан халқ тилидагина гаплашиш мумкин. Ёшлар билан ҳам улар дардлари, ташвишлари, орзулари тилида гаплашишни ўрганишимиз керак. Ёш ишчига нима керак: кўнглига яқин иш, яхши шароит ва дурустроқ маош керак. Қишлоқ ёшларига эса биринчи навбатда ер, қурилиш материаллари, дам олиш учун шарт-шароит, талабалар учун ижара уй эмас, ётоқхона, «дада салом, пул тамом» тарзидаги хатлар эмас, бинойигина стипендия керак. Ижодкор ёшларга эса ўз ижодий имкониятларини баралла намойиш этиши учун шарт-шароит, уй-жой, ижодий сафарлар ва учрашувлар учун имтиёз керак. Мана шу ҳолатлар эндиликда бизнинг ишимиз, ташвишимиз, мақсадимиз бўлиши лозим. Ва худди шу масалалар бизнинг эндиликда Дастуримиз моҳиятини белгилаб бериши ҳам шарт ва биз бунга ҳаракат қиламиз.

**— Илгари одамлар ҳақида гапирганда «яхши одам» ё «ёмон одам» деб айтиларди. Ҳозир эса демократ, сўл, ўнг, консерватор, радикал деган гаплар чиқди. Шу маънода сиз кимсиз!**

— Тўғриси, шунақа баҳолар менга ёқмайди. Ўша демократнинг ҳам, албатта, салбий томонлари, ўша консерваторнинг ҳам ижобий томонлари бўлади. Майли, бу масалада мени қолоқ экан деб ўйлайверинг — мен ўша илгариги замон таърифларини маъқул кўраман. Мен ҳамиша илғор фикрлашга ва ана шу фикрларни ҳимоя қилишга интиламан. Баҳо берганда «яхши одам» деган ном учун интилиш керак.

**— Азиз ака, ушбу суҳбатда мен сиздан сўрамоқчи бўлган гапларимни олиб бўлдим. Мабодо сиз мендан кутган-у, лекин мен айтмаган саволлар бўлиши мумкин ёки кўнглингизда айтмоқчи бўлган бирор гапингиз, ниятингиз қолгандир...**

— Ягона ўтинчим — бирор кишига, ташкилотга баҳо берганда шошилмайлик. Ёмонлаш осон, лекин унга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлашни ҳам ўрганайлик. Ёмон десак, ёмон бўлаверади. Лекин бундан нима фойда. Агар бир ташкилотни ёмонлаш билан иш, ҳаёт яхшиланадиган бўлса, унда аллақачон турмушимиз гўзал бўлиб кетиши керак эди. Минг афсуски ундай эмас..

Бас, шундай экан, бир-биримизга кўмакчи, халққа яқинроқ бўлайлик. Юртимизнинг истиқболи учун энди фақат ишлайлик. Ана шунда ютамиз. Савобли ишларга қўл урайлик. Зеро, комсомолнинг моҳияти ҳам — савоб учун жон куйдиришдир. Ёмон кунларни кўп кўрдик, энди кўрмайлик. Юртимизда фақат тўй бўлсин...

**— Айтганингиз келсин, Азиз ака...**

Аҳрор АҲМЕДОВ
суҳбатлашди.


## Бозор иқтисодиётига тайёрмисиз?





Ҳамма яхши кийинишни хоҳлайди. Лекин бугунги бўм-бўш пештахталарда қоматга ярашадиган замонавий кийим-бош топиш — ойдаги қўл етмас орзу холос. Қолаверса, бизда ишлаб чиқарилаётган кийимлар ҳали айтарли харидорлар талабини қондирар даражада эмас. Ҳамма эртасини ўйлаб яшаяпти. Жумҳурият трикотаж буюмлари модалар уйи жамоаси ҳам ўз ишларида бурилиш ясашга ҳаракат қиляптилар. Сотувга чиқариладиган кийимлар дастлаб шу ерда синовдан ўтказилади. Сиз кўриб турган мазкур суратлар тажриба бўлинмасида суратга олинган.
Бўстон Муҳаммаджонова янги кийимни намойиш этмоқда;
тўқувчи Хуршида Йўлдошева.
Бўлинма устаси М. Мушеев ва унинг шогирди Р. Бадаловлар қурилманинг ишлашини назорат қилишяпти;

Ҳ. СОЛИҲОВ тасвирлари.



## Таҳрирсиз жавобталаб мактублар

# ИШЛАГАН АЙБДОРМИ?

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўллари кўп. Бу борадаги фикрларнинг ранг-баранглиги турган гап. Ўтиш жараёнида қилиниши керак бўлган ишлар хусусида менинг ҳам ўз қарашим, таклиф-мулоҳазаларим, энг асосийси озми-кўпми тажрибаларим бор. Эҳтимол фикрларим нотўғридир. Муштарийларимиз оқилона йўл кўрсатишса, уни тузатиш мумкин. Қолаверса, бу фикр-мулоҳазалар ёки дастлабки тажрибалар бугунги кун учун мос тушиши мумкин. Эртага эса тўлақонли, илмий исботланган фикрлар, бойитилган тажрибалар дунёга келиши аниқ. Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши бугунга боғлиқдир. Менинг шахсий фикрларим кимгадир ёқар, кимгадир ёқмас. Мени мунозаралар гирдобига тортади. Қайта қуришнинг ҳам моҳияти шунда. Ўзимизни йўқотмасак, агар демократияни анархияга айлантирмасак бўлгани.

Ҳолва деган билан, оғиз чучимайди. Мен бозор иқтисодиётига ўтиш учун тайёргарликни ўз яқинларим билан аллақачон бошлаб юборганман. Горький шаҳар хўжалик ҳисобидаги «Коммер-Коллегия» агросаноат марказининг Ўзбекистон бўлимини очдим. Жумҳуриятимизнинг раҳбарларидан бири билан Москва — Тошкент тайёрасида кутилмаганда ёнма-ён ўтириб қолдик. Ўзаро суҳбатлашиб, фикр-мулоҳазаларим янада тиниқлашди, аҳдим қатъийлашди. Ўшанда у киши «Ёғоч бўлсин, цемент, шифер бўлсин, мол бўлсин, ниманики Ўзбекистонга олиб келсак, бизнинг фойдамиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш осон бўлади», деди. Бир қатор маслаҳатлар берди. Мен мол сотиб олиб, чорвачилик билан шуғулланмоқчи эканлигимни айтдим. «Бу иш билан шуғулланган одам ютқазмаслигини, чорвачилик кони фойда эканлигини» гапирдилар. Йўл-йўриқлар кўрсатиб, таҳлил қилиб бердилар. Бу тасодифий учрашувдан руҳланиб, ишларимни авж олдириб юбордим. Раҳбарлар холис қарагандан кейин катта қийинчиликлардан қўрқмаса ҳам бўлади, деб ўйладим.

Қариндош - уруғларимнинг маслаҳати билан ўртада пул йиғиб, 40 минг сўмга 40 та зотдор мол сотиб олиб, бўрдоқичилик хўжалигини туздим. РСФСРда ғўла ёғочларни айирбош қилиб ўша ернинг ўзида поллик, эшик-деразалик қилиб тилдирдик. Ўзбекистон ва Қозоғистон жумҳуриятларига айирбош ҳисобига сота бошладик. Жамоа ва давлат хўжаликлари билан шартнома асосида қаровсиз ерларни ижарага олиб, айирбошлаш шарти билан маҳсулотларни сотувга чиқардик. Менинг қилган ишимнинг фарқли томони шу бўлдики, давлатдан қарзга бир тийин ҳам олмадим. Шу кунда ҳисобимиздаги айланиб турган пул 150 минг сўмни ташкил этади. Марказда 30 киши меҳнат қилади. 29 минг сўм ишчиларга аванс ва маош қилиб берилган. Соф фойдамиз эса 65 минг сўмга етди. Ишларимизнинг кетиши ёмон эмасди. Халқимизни жумҳуриятимз ташқарисидан келтирилган камёб қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида ҳал қилинадиган ишларимиз бор эди. Афсуски, 1990 йилнинг 31 октябридаги кутилмаган «меҳмон»ларнинг ташрифи ишларимизни тўхтатиб қўйди.

Соат 12 лар чамаси Тошкент шаҳар УБХСС ходимлари подполковник А. Раҳимов, майор А. Анваров ва катта лейтенант А. Азимовлар уйимга бостириб кириб, тинтув ўтказишди. Аслида уларнинг уйимни тинтув қилиш учун ҳеч қандай рухсатномалари йўқ эди. Улар қонунсиз равишда фуқаролик нафсониятимни оёқ ости қилиб, туртиб, ҳақоратлаб, марказимизнинг муҳрини, 4 минг 50 сўмлик шахсий тилла заёмимни, 27 минг сўмлик тайёрланган чекни, жами ҳужжатларни мендан тортиб олдилар. Юқоридаги буюмларга қўшиб, марказимиз аъзоларининг меҳнат дафтарчаларини, паспортларини олиб чиқиб кетдилар.

Олган буюмларни ва ҳужжатларни расмийлаштирмадилар. 1990 йилнинг 5 ноябрига келиб, Ички ишлар бошқармасида олиб чиқиб кетган буюмлар хусусидаги протоколни 1990 йилнинг 31 октябрь санаси билан расмийлаштирилган қоғозни қўлимга тутқаздилар. 27 минг сўмлик чекни йўқотиб қўйганликларини айтдилар. 4 минг 50 сўмлик заёмимни қайтариб бердилар. 31 октябрдан буён менда ҳузур-ҳаловат йўқ. Эрталабки соат 10.00 дан кечки соат 20.00 гача маҳкамада сарғайиб ўтирганим-ўтирган.

Қандайдир аёлнинг иғвосига асосланиб «Давлатнинг 200 минг сўм пулини единг», дейишди, эплашолмади. «Паспортинг иккита, меҳнат дафтарчанг учта», дейишди, бўлмади. Охири келиб-келиб «1978 йилда қамалиб чиққан экансан», деб туриб олишди, бўлмади...

Бу воқеани ҳурматли муштарийларга ҳозир эслатиш жоиз бўлмаса-да икки оғиз сўз айтай: ўша йиллар киевлик фан «чайқовчилари»га оби нон ясайдиган техник ускуна яратиш буюртмаси берилган эди. Бунинг учун 6—7 миллион сўм пул керак бўларди. Фан доктори «жаноб»лари Киевдан Тошкентга қисқа-қисқа ташриф буюриб турар эдилар. Оби нонни эса бозордан сотиб олиб, тахтага михлаб чизмасини чизар эди. Мен буни кўриб таъсирланиб кетдим. Шу ерда туғилиб ўсган бўлсам, ота-бобомнинг киндик қони шу ерга тўкилган бўлса? Наҳотки шу дастгоҳни ўзим ясай олмайман. Фан доктори «жаноб»лари оби нонни энди кўраётган бўлса, мен хамир чанғаллаб катта бўлганман. Шу соҳанинг мутахассисиман-ку, дедим-да, шу ишга киришиб кетдим. Аммо шу пайтгача ҳеч ким нон ясайдиган дастгоҳ яратолмаган эди. Хуллас, мен шу дастгоҳни ихтиро қилдим. 6 ёки 7 миллион сўмга эмас, бир неча минг сўмларга, холос. Менга ССЖИ Вазирлар Кенгаши қошидаги ихтиро ва кашфиётлар қўмитаси 1977 йилнинг 7 октябрида 589946 рақамли муаллифлик гувоҳномасини берди ва рўйхатга олди. Менинг ихтиром марказий матбуотларда эълон қилинди. Бу дастгоҳни ўрнатиш учун юз минг сўм сарфлаб, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлатиб, йилига 1,5 миллион сўм соф фойда олса бўларди. Мен учун кўк чироқлар ёниб турганида, киевлик «жаноб»ларнинг йиллар давомида ўзлаштирган 23 миллион сўм пулнинг фойда-зиёни чиқарди.

Ҳаммуаллифлик таклиф қилишди. Ихтирони эълон қилмасликни сўрашди. Мен қайсарлик қилдим. Сўнгра кучли тазйиқлар бошланди. Ихтиро йўқ қилинди. Мен эса узоқ муддатга қамалдим. Худога шукурларким, ССЖИ Бош прокурорининг собиқ муовини В. А. Аболенцевнинг қатъий норозилиги билан қисқа муддат ичида қамоқдан озод қилиндим. Қамалганлигим ҳақида бор гап шу.

Ҳатто майор А. Анваров «40 та молнинг килосини 2 сўмдан қилиб, молларни керакли жойга топшираман», деб ҳам дағдаға қилиб кўрди. Ҳайронман, Ўзбекистонда 1 килограмм гўштнинг давлат баҳоси 4 сўму 60 тийин бўлса-ю, А. Анваров 2 сўмдан нархласа. Қолган 2 сўм 60 тийинга ким куяди?

Хуллас, у ёқ қилишди, бу ёқ қилишди келиб-келиб «Низоминг Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтмаган» деган баҳонани қўйишаяпти. Илгари у ёқнинг рухсатини кутардик. Энди бу ёқникини. Бу кунларга шукур. У ёқ-бу ёғимизга қарашга имкон берилди.

«Ҳужжатларни беринглар, уч кун ичида рўйхатдан ўтказамиз» десак, унамаса... Ҳаммасига майлику-я, РСФСРдан кечиктирмасдан олиб келишимиз керак бўлган 40 вагон — 2 минг куб метр ёғоч-тахта, 10 вагон шифер, 2 вагон ойна, 2 вагон мих, 1 вагон фанер, 2 вагон — 120 куб метр ДСП, 1 вагон тунука, 2 та енгил автомашина, 2 вагон газ қувурлари йўлимизга маҳтал бўлиб турибди. 60 бош қорамол тирик вазн ҳисобида килограмми уч сўмдан, 50 бош от, тирик вазни ҳисобида килограмми 2,5 сўмдан **олиб келиш учун тайёр қилиб қўйилган. Юқоридаги қурилиш материаллари ва чорва моллари учун шартномадаги ҳамма нарса РСФСРга юборилган. Куйсак, биз куямиз, улар эмас. Устига-устак нарх-наво соат сайин, минут сайин ўсиб бораяпти. Ҳужжатларни бериш чўзилса, РСФСРдан шартлашилган молларни юртимизга келтириб олмасак, қаттиқ куйиб қоламиз-ку. Шу тақчил моллардан ўз халқимиз наф кўради-ку!** Наҳотки буни УБХСС ходимлари тушунишмаса. Уюшган жиноятчилар, чайқовчилар, автобус ва вокзалдаги кисовурлар, олибсотарлар билан шуғуллангувчи мард топилмайди-ку, халқ учун ишлаётганлар турли йўллар билан қийноққистовга олинадилар. Менга етказилган зиён учун УБХСС ходимлари товон тўлашмаса керак, ҳар қалай?!

Ҳурматли редакция! Биз ССЖИ Президентининг «ССЖИ ҳудудида эркин ишбилармонлик тўғрисида»ги фармонига асосланиб иш кўрайликми, ёки БХСС ходимларининг кўрсатмаларини бажарайликми? Шунинг учун жумҳуриятимизнинг минглаб ишбилармон кишилари мен каби таъқибларга дуч келишдан чўчиб, ўз жамғармаларини жамият манфаатлари йўлида ишлатишга қўл урмаяптилар-да. Тушунмай қолдик, эркин ишбилармонларга тазйиқ шунақа бўлса, бизда бозор иқтисодиётига ўтиш қанақа бўлади?

**Кушодбек УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон «Савдо бирлашмаси» маркази директори.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: «Таҳрирсиз жавобталаб мактублар» ойнасўзимиз талабига мувофиқ мазкур шикоят хатини қандай бўлса шундайлигича эълон қилмоқдамиз. Чунки унда кўтарилган ҳар икки муаммонинг ҳам ўзига хос қалтислиги ва айни пайтда ғоят муҳимлиги бор.**

**Жумҳуриятимиз, қолаверса, Иттифоқимиздаги иқтисодий танглик туфайли эркин ишбилармон кишиларга катта имкониятлар яратилди. Айни чоғда милиция ходимларига ҳам кенг кўламли ҳуқуқлар берилди. Бироқ, ҳар икки тараф учун ҳам қонундан ташқарига чиқиш ҳуқуқи берилган эмас.**

**Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мазкур масалада ким ҳақ-у, ким ноҳақ эканлигини аниқлашни Тошкент шаҳар прокуратураси эътиборига ҳавола этамиз.**




## Усмон НОСИРнинг сўнгги кунлари

Наим КАРИМОВ

Ҳар бир камеранинг деворида 30—40 моддадан иборат қонун-қоидалар ёзилган ёрлиқ осилган бўлиб, уларда маҳбуслар учун ман этилган нарсалар қайд этилган эди. Бундай ман этилган нарсаларнинг бисёр бўлишига қарамай, Златоустда бизни сўроқ қилишмади. Шунинг учун маҳбуслар қийноққа олинмай, хийла дуруст шароитда яшадилар. Аммо Усмон Носир Тошкентда олган руҳий ва жисмоний жароҳатларидан маълум вақт тамомила учун ҳали ҳам азоб ва уқубат оғушида эди. Шу туфайли бўлса керак, у бизларга ҳам яқинлашмай яшади».

Розенфельднинг бу сўзларида зикр этилган баъзи бир фактлар ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Усмон Носир Златоуст шаҳрига келиши билан унга қарашли пул ва буюмлар маҳбусхона томонидан ҳисобга олинган ва бу ҳақда тегишли ҳужжатлар тўлдирилган. 23 январга оид 18-сонли квитанцияга кўра, шоир Златоуст маҳбусхонасига етиб келганда, унинг пальто, этик, кўрпа, ёстиқ сингари 22 номдан иборат шахсий буюмлари бўлган. 31 январда берилган 174-сонли квитанция эса шу вақтда унга қарашли 92 сўму 20 тийин бўлганидан дарак беради. Усмон Носир маҳбусхонада ётар экан, ана шу маблағ ҳисобидан қўшимча озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилган кўринади.

Усмон Носирнинг Розенфельд сингари Тошкентдан келган маҳбусларни ҳам фашистлар деб ҳақоратлаши бежиз эмас. Шоир Златоустга етиб келган кунининг эртасигаёқ маҳбусхона бошлиғига ёзган аризасида бу масалага ойдинлик киритиб, қуйидагиларни ёзади: **«Мени карцерга ташлаганларидан бошлаб — бу 1937 йилнинг 25 сентябрида бўлган — йўлакда юрувчи, камераларда сақланувчи махсус танлаб олинган кишилар орқали камерадошларим ва бошқалари оша менга руҳий таъсир кўрсатмоқчи бўлиб, тинимсиз туҳмат қилдилар. Бу кишиларнинг айтган гапларини ёзиш ноқулай, чунки улар бошқаларнинг топшириқларини бажардилар. Аммо бундай ҳолга бошқа чидаш мумкин эмас. Мен талаб қиламан: 1. Мени чақириб, сўзларимни эшитинг; 2. Мени Ўзбекистондан келган кишилардан мутлақо ажратиб, якка ўринли камерага кўчиринг; 3. Ўзбекистон НКВДси ходимлари ва яна баъзи бир маҳбуслар устидан халқ комиссари номига, халқлар доҳийси ўртоқ Сталин номига шикоят ёзишга рухсат беринг. Мени чақириб, гапларимни тинглаб-эшитишингизни сўрайман. Энг асосийси, ўртоқ Сталин номига ариза ёзишга ижозат беринг. Акс ҳолда — ўз-ўзимни ўлдираман. Мен душман эмасман, бўлмайман ҳам, агар лозим бўлса, душман бўлмай туриб ўламан».**

Усмон Носир Тошкент маҳбусхонасида ётган кезларда терговчи ва назоратчилар бу қайсар маҳбусни жиловлаш ниятида уни турли йўллар билан таҳқирлаган эдилар. Улар бундай разиллик билан чегараланибгина қолмай, қўшни камераларда ётган маҳбуслар ўртасида шоирни бадном этувчи овозалар тарқатган, бу маҳбуслар эса инсофсиз назоратчиларнинг топшириғи билан Усмон Носир йўлакдан олиб ўтилаётган дақиқаларда камера туйнугидан уни ҳақоратловчи сўзларни айтганлар. Шоир қийноқдан ҳам кўра кўпроқ ана шу сўзлардан садпора бўлган. Афтидан, ўша маҳбуслар Тошкентдан чиққанларидан кейин ҳам ана шу қабиҳ ишни давом эттирганлар.

...Орадан икки кун ўтди. Усмон Носирнинг маҳбусхона бошлиғига ёзган аризасига жавобан бирон садо ҳам бўлмади. Адолат офтобининг бир тутам нурини кўролмаган шоир яна сўнгги имкониятдан фойдаланмоқчи бўлиб, 26 январда фақат чекиш шарти билан очлик эълон қилди. Унинг: «Акс ҳолда — ўз-ўзимни ўлдираман», деган сўзлари очлик эълон қилиш истаги билан боғлиқ эди. Аммо бу ерда ҳам унга ҳатто очлик эълон қилиш ҳуқуқини бермадилар. Чамаси, уни карцер ёхуд бошқа бирор қийноқ билан қўрқитганлар. Натижада у ўша куннинг эртасигаёқ очлик эълон қилиш ҳақидаги ниятидан қайтган. Лекин бу сафар унга ССЖИ Ички ишлар халқ комиссари номига шикоят ёзиш учун имкон туғдирдилар.

Златоуст маҳбусхонаси бошлиғининг ўринбосари Долгирев ва муншийхона бошлиғи Фёдоров имзоси билан ССЖИ НКВД Бош маҳбуслар бошқармаси 1-бўлимининг бошлиғи Поповга йўлланган хатдан маълум бўлишича, ўша кунларда Усмон Носир билан бирга Ф. Т. Нежельскийнинг Берия номига ёзилган шикоятлари Москвага юборилган. Афсуски, на бу хатнинг қачон ёзилгани қайд этилган, на шикоятнинг нусхаси шоирнинг шахсий ишида қолган. Бу ҳар иккала шикоятнинг тақдири бўйича ҳам бирор маълумот йўқ. Улар д/х капитани Поповдан бўлак бирор юқори лавозимли шахснинг қўлига бориб тегмаган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳолбуки, маҳбус шоирнинг сўнгги умиди шу хат билан боғлиқ эди. Унинг назарида, шикоят Москвага етиб бориши биланоқ шоирнинг фожиали тақдири ўзгариши, адолат зудлик билан тантана қилиши, ноҳақ чиқарилган ҳукм бекор қилиниши лозим эди. Аммо унинг кутгани бўлмади. Шундан кейин у руҳан тушкунликка берилди. Қўшни маҳбуслар билан гаплашмаган, уларни ҳам, назоратчиларни ҳам фашистлар деб билган, ора-сира камерани бошига кўтарадиган Усмон Носирнинг бундай хатти-ҳаракатларини кўриб, уни ақлдан озган деган хаёлга бордилар.

Маҳбусхона бошлиғининг навбатчи ёрдамчиси томонидан ёзилган бир рапортдан маълум бўлишича, 11 февраль кундуз соат 4 да 10-камерадаги маҳбуслар тоза ҳаво олиш учун олиб чиқилганда, Усмон Носир сайрдан воз кечиб, камерада қолган. Орадан хийла вақт ўтгач, у бутун йўлакни бошига кўтариб, маҳбусхона ходимларини сўккан. Уни олти ойдан бери лақиллатиб, таҳқирлашаётганидан қони қайнаб, «Сизлар гарчанд беш қиррали юлдуз қадалган бош кийимини кийиб юрган бўлсангиз ҳам қип-қизил фашистларсиз, жандармларсиз, жаллодларсиз», деб қичқирган, маҳбусхона бошлиғи Чечев шаънига ҳам, Сталин шаънига ҳам кўчадан ўрганган сўзларни айтган.

Шундан тўрт-беш кун илгари, 6 февраль кундуз соат 1 да эса, назоратчи Галеев 3-койка устидан шикоят билан навбатчига мурожаат этган. Навбатчи ёзган рапортда айтилишича, Усмон Носир камерада ўтириб, бор овози билан ашула айтган эмиш. Назоратчи келиб, камерада қўшиқ айтиш ман этилганини таъкидлаганида ҳам у қулоқ солмаган. Шундан кейин етиб келган бошлиқнинг навбатчи ёрдамчиси маҳбусга: «Нега қўшиқ айтаяпсиз? Сиз маҳбусхона қоидаларини бузаяпсиз ахир», деб танбеҳ берганида, у: «Мен ашула айтаётганим йўқ, мен ўз тилимда шеър ўқияпман» деб жавоб берган. Шунга қарамай, навбатчи Усмон Носирнинг овозини ўчирмоқчи бўлган. Аммо у: «Мени ҳақорат қилишни бас қилинг. Сизлар шўролар формасини кийиб олган фашистларсиз. Сизлар — бир гуруҳ фашистлар — йиғилиб олгансиз. Мени олти ойдан бери таҳқирлаганингиз-таҳқирлаган. Яхшиси, мени отиб ташланг, фашистлар!» деб тўполон кўтарган. Навбатчи ундан баланд келмоқчи бўлганида, у муштини кўтариб, айлантириб туширмоқчи бўлган. Сўнг «Сизларга муштумим ҳам ҳайф», деган-да, навбатчини камерадан қувиб, эшикни ёпиб олган.

Ушбу машмаша ҳақидаги рапорт тагига маҳбусхона бошлиғининг ўринбосари Долгирев маҳбусни 20 суткага карцерга қамашларини сўраб, имзо чеккан. Аммо карцер Усмон Носирнинг ўша кездаги сиҳат-саломатлиги учун хавфли топилган бўлса керак, дастлаб уни Долгиревнинг топшириғига биноан 11 февралда тиббий кўрикдан ўтказишга қарор қилганлар. Маҳбусхона врачининг шу куни берган маълумотномасида айтилишича, Усмон Носирнинг нафас олиши ҳам, юрак уриши ҳам, қорин бўшлиғию асаб системаси ҳам, кўриш, эшитиш ва бошқа органлари ҳам ёмон ишламаган. Хуллас, врач Васильев шоирнинг соғлиғи тўғрисида ижобий хулоса берган. 13 февралда эса ана шу фикрни тасдиқловчи маълумотномага имзо чеккан.

Афсуски, шоирнинг шу кезларда Златоуст маҳбусхонасида ёзган шеърлари ҳам, Колима ва Мариинск лагерларида битган асарлари ҳам топилмади. Уларнинг бирор архивда сақланиб қолганлиги ҳақидаги умид кундан-кунга тонг юлдузларидек сўниб бормоқда. Борди-ю, мўъжиза рўй бериб бу асарлар фалокатли ўтмиш қаъридан қайтиб кела олса, улар шоир қалбининг шу йиллардаги аламли нолалари-ю она юртга, эркин ҳаётга, эзгу қадриятларга бўлган соғинч ва алангали севгисини ёрқин ифодалаган бўлармиди?!

Яна Усмон Носир ҳаётининг Златоуст маҳбусхонасида кечган кунларини варақлашда давом этайлик.

Бирор жойдан шафқат ва мурувват шабадасининг эсишига кўзи етмаган шоир 13 февраль куни маҳбусхона бошлиғига қуйидаги ариза билан мурожаат этишга мажбур бўлди: «Мен ҳамма нарсани тушуниб етдим. Менга бирор суд ҳукм чиқармаган. Мени асоссиз равишда ҳибсга олганлар... НКВД органларининг обрўсини тушириш учун, эҳтимол, бошқалар қатори мени ҳам қурбон қилмоқчи ва мени ёлғончи-душманга айлантирмоқчи бўлганлар. Мен ҳеч қачон бундай одам бўлмаганман ва бўлмайман ҳам. Менинг бирор хасталигим йўқ. Ақл-ҳушим бутун вужудим ҳам соғлом. Рисоладаги инсонман. Менинг изимдан юрган кишилар ўзларининг ёлғон кўрсатмалари билан НКВД органларини чалғитиб юрибдилар. Улар оз эмас. Мен аниқ кўриб турган нарса худди шу ҳолдир. Мен ҳақиқатни талаб қиламан. Шу бугундан, яъни 13/II 39 дан бошлаб очлик эълон қиламан».

Бу аризадан яна бир карра ойдин бўладики, гўё 1938 йил 5 октябрь куни соат 12 дан 5 дақиқа ўтганда бошланиб, 20 дақиқадан сўнг тугаган суддан шоирнинг мутлақо хабари йўқ. Чамаси, бу яширин судга қораловчи ва оқловчиларнинг эмас, балки Усмон Носирнинг ўзини ҳам чақирмаганлар. Суд, бу сўзларга қараганда, шоирнинг иштирокисиз ўтган. Агар шу тахмин рост бўлса, у ҳолда 1937 йилда авж олган қонунсизликнинг яна бир даҳшатли тарафи очилган бўлади.

Аммо у ҳолда шоирнинг судда ўзини айбдор деб билмагани ва дастлабки тергов чоғидаги кўрсатмаларидан воз кечгани, шунингдек ҳукм чиқарилишда унинг ёшлигини инобатга олиш лозимлиги ҳақидаги сўзларини қандай баҳолаш ва изоҳлаш керак? Эҳтимол, судда Усмон Носир эмас, балки унинг номидан бошқа бирор кимса иштирок этгандир?..

Тавба-тазарру нималигини билмовчи маҳбуснинг «ҳунарлари»дан чарчаган Чечев 16 февралда НКВД Бош маҳбуслар бошқармасининг 1-бўлимига мурожаат этиб, Усмон Носирни 20 суткага карцерга қамашга рухсат сўрайди. 2 март куни д/х капитанлари Попов ва Дятлов маҳбус Носировнинг ақл-ҳуши жойида эканлиги врач томонидан тасдиқланган бўлса, уни 20 суткага карцерга қамашга рухсат берилганини хабар қилдилар. Бу орзиқиб кутилган ижозат 26 мартда — Усмон Носир назоратчини фашист деб атаган кунда маҳбусхона маъмуриятига айниқса қўл келди. У ўша куниёқ кеч соат 7 да карцерга жўнатилди.

Врачлар гарчанд шоирнинг сиҳат-саломатлигини яхши деб топган бўлсалар-да, унинг ўпкасида 1937 йил фожиаларига қадар ҳам сил касаллиги белгилари бор эди. Ўзбекистон НКВДси қошидаги тиббий қисмнинг 1938 йил 4 декабрда берган хулосасида унинг карцерга фақат қисқа муддатгагина ўтириши мумкинлиги қайд этилган эди. Шунинг




**Усмон Носир. 1933 йилда ишланган сурат. («Янги Фарғона» рўзномасидан олинди).**

учун ҳам Златоуст маҳбусхонасининг бошлиғи уни карцер билан жазолаш учун Москвадан ижозат олишга мажбур бўлган.

Усмон Носир карцерга асоссиз равишда тушгани учун 27 мартда яна очлик эълон қилди. Маҳбусхона бошлиғи номига 28 март куни ёзган аризасида у ўзининг бундай қарорга келиши сабабларини изоҳлаб, дейди: **«Мен йигирма ойдан зиёд вақтдан бери шундай азоб-уқубатда яшаб келмоқдаман. Бу азоб-уқубатлар бир кунмас-бир кун тугар, деб ўйлар эдим. Аммо бу ҳол ҳамон давом этмоқда. Ҳуда-беҳудага карцерга ташлайдилар, ...масхара қиладилар, қийнайдилар, ғаламислик қиладилар. Бунга ортиқ чидай олмайман ва шунинг учун ҳам очлик эълон қиламан. Ё, ҳақиқат, ё ўлим».**

Сталинча истибдод авж олган бир шароитда шоирнинг ҳақиқатга эришуви амри маҳол эди. У ҳатто очлик эълон қилиб ҳам адолатсизликка қарши кураша олмади. Назоратчилар, одатдагидек, унга яна тазйиқ ўтказиб, унинг онадан туғилганига минг бор пушаймон қилдирдилар. Шу тарзда азоб ва уқубатга тўла соатлар, кунлар, ойлар ўтиб борди. Уни ҳақорат қилиш, асабларини ишдан чиқариш, карцерга ташлаш давом этди. У ҳатто юрагидан тўлиб-тошиб чиққан севги ва алам сатрларини овоз чиқариб айтиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди. Бундай пайтларда дарҳол назоратчилар келиб, маҳбусхонанинг қонун-қоидаларига кўра, қўшиқ айтиш ҳам, шеър ўқиш ҳам таъқиқланганини пеш қилар, борди-ю шоир суд уни шеър ёзиш ва ўқиш ҳуқуқидан маҳрум этмаганини уқтириб, талашса-тортишса, яна карцернинг эшиги ланг очилиб турарди.

Шоирнинг Берияга ёзган хати жавобсиз қолди. Сталинга хат ёзиш учун эса рухсат бермадилар. Шундан кейин Усмон Носир жуда бўлмаса ўша машъум кундан кейин Тошкентнинг Тахтапул мавзеидаги Маориф кўчасига кўчиб ўтган ҳамда Қўқондаги Даврон маҳалласида истиқомат қилаётган жигарўшалари — Масодиқовлар оиласи билан хат ёзиб туришга рухсат сўради. Маҳбусхона маъмурияти бунга ҳам рад жавобини берди. Ғариб шоир ана шу тарзда 1939 йилнинг 21 майига қадар Златоуст маҳбусхонасида оғзи, қўл ва оёқлари кишанланган ҳолда яшади.

### 3

1939 йилнинг ёз ойлари яқинлашмоқда эди. Златоуст маҳбусхонасига Ўзбекистондан вақтинча келтирилган маҳбуслар сув йўли ишга тушиши биланоқ Шарқий Сибирь денгизига туташган абадий музликлар ўлкасига йўл олишга режалаштирилган эди. Икки денгиз оша ўтувчи бу йўл одатда июль ойининг бошларида очилади. Аммо маҳбуслар карвони Челябинск вилоятидан Хабаровск ўлкасига етиб келишлари учун талайгина вақт зарур эди. Шунинг учун ҳали Златоуст маҳбусхонасининг қуролли соқчилари ҳавозалар устида ёз қуёши пайдо бўлмай туриб, сафар тараддудлари бошланди. Бошқа маҳбуслар қатори, Усмон Носир ҳам яна тиббий кўрикдан ўтиб, бўлажак оғир жисмоний ишларга лаёқатли деб топилди. 21 майда бу тўғридаги ҳужжатга маҳбусхона врачи Васильев имзо чеккач, орадан бир-икки кун ўтдими-ўтмадими, маҳбуслар ит ва соқчилар қуршовида шаҳар вокзали сари йўл олдилар. Шу кундан эътиборан шоир ҳаётининг янги, янада аянчли ва фожиали даври бошланди.

Сиёсий маҳбусларнинг узоқ масофалик манзилларга поездда боришлари билан боғлиқ даҳшатли тафсилотлар, А. Солженицининнинг «ГУЛАГ архипелаги» асарида муфассал баён этилган. Усмон Носирнинг шахсий ишида бу кишанли сафарга оид бирорта ҳужжат, бирорта калима сўз йўқ, албатта. Лекин бу ғурбатли сафарнинг шоир қалбида янги жароҳатлар қолдирганини сезиш қийин эмас. Челябинскдан Владивостокка қадар тортилган темир йўли икки ойлик муддат ичида Петропавловск, Омск, Новосибирск, Красноярск, Иркутск, Улан-Уде, Чита, Благовещенск, Хабаровск сингари катта шаҳарларгина эмас, балки бошқа ўнлаб кичик бекатлар ва разъездлардан ҳам ўтар эди. Поезд бу йирик шаҳарлар вокзалининг боши берк йўлларида неча соатлаб ва ҳатто кунлаб ҳам тўхтаган пайтлари оз бўлмади. Маҳбуслар назоратчиларни турли маиший заруратлар билан безовта қилавермасликлари учун овқат ва сув керагидан ортиқ даражада тежалди. Айниқса, шўр балиқдан тайёрланган озуқадан сўнг маҳбусларни ташналик қийнашига қарамай сув анқонинг уруғига айланди. Шу тарзда азоблар тури кун сайин ортиб борди.

Поезд Владивостокка қадар олис ва машаққатли масофани босиб ўтар экан, маҳбуслар, Розенфельднинг хотирлашича, ўз уйларига манзилгоҳларини кўрсатиб хат ёзар ва бу конвертсиз, маркасиз хатларни панжараланган деразаларнинг тирқишларидан ташлар эдилар. Айтишларича, бу хатлар баъзи бир инсофли кишиларнинг қўлига тушиб, улар ёрдами билан ўз манзиллари сари етиб борган ҳоллар ҳам бўлган. Хат ёзиш, ўзининг ҳол-аҳволидан онасини, ёр-биродарларини хабардор қилишнинг ҳар бир имкониятини орзиқиб кутган Усмон Носир ҳам, шубҳасиз, Россиянинг ана шу кенгликларида неча-неча хатларни учирма қилган бўлса ажаб эмас. Лекин, афсуски, унинг хатлари шафқатли кишиларнинг қўлларига тушмаган кўринади...

Шундай қилиб, маҳбуслар карвони 2 июль куни Владивосток тупроғига, аниқроғи Владлагга етиб келди. Владивосток шу йилларда Шимоли-шарқий Сибирнинг турли жаҳаннамларига XX аср қулларини тақсим қилувчи ва юбориб турувчи маҳбуслар мамлакатининг пойтахти ҳисобланар эди. Сув йўли эндигина очилгани ва буғюрар кемалар етарли миқдорда бўлмагани учун маҳбуслар бу ерда кунлаб навбат кутардилар. Усмон Носир мансуб карвон ҳам бу ерда беш кун буғюрар кеманинг келишини кутди. Ниҳоят, 7 июль куни маҳбус шоир тушган пароход Владивосток портидан аста сирғалиб, Япон денгизига чиқиб олди-да, бир неча кун ичида Сахалин ороли билан Японияни ажратиб турган Лаперуза бўғозидан ўтиб олди. Сўнг Охот денгизининг қоқ ўртасидан кесиб, кучли тўлқинлар ҳамласидан чайқала-чайқала 16 кун деганда Магадан портида лангар ташлади.

Бир замонлар Африка қитъаси Европадаги айрим давлатлар томонидан мустамлакалаштирила бошлаганда, минглаб қора танлилар олис мамлакатларга қуллар сифатида олиб кетилган эди. Маданий инсоният учун бундай шармандали тарих лавҳалари жаҳон адабиёти классиклари ижодида ўз тасвирини топган. Шундай асарлардан бири Ҳенрих Ҳайне қаламига мансуб «Қуллар кемаси» балладаси бўлиб, у 1939 йилда Ойбек томонидан ўзбек тилига таржима этилган. Ойбек бу асарни она тилига ўгиришда унда тасвир қилинган воқеалар бизнинг мамлакатимизда рўй берган фожиа билан уйғун эканини сезганми-йўқми, билмадим. Аммо Усмон Носир тушган буғюрар кема билан Ҳайне тасвиридаги қуллар кемаси ўртасида деярлик фарқ йўқ эди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ёвузликнинг тимсоли, тизгинсиз, зулмга асосланган сиёсатнинг натижаси эди.

Ҳайне тасвир этган кемада очлик ва ғайриинсоний шароит орқасида қанчадан-қанча қуллар ўлиб, кема атрофида сузган оч балиқларга ем бўладилар. Усмон Носир тушган пароход қуллар кемасидан гарчанд икки юз йил кейин йўлга чиққан бўлса-да, унда ҳам ўша ғайриинсоний муносабат ҳукмрон эди. Ана шундай муносабат туфайли Колимага етиб келгунга қадар очликдан, чекилган азоб ва орттирилган хасталиклардан қирилган маҳбуслар оз бўлмади. Усмон Носир эса ривож топиб бораётган силлиги устига С дармондорисининг етишмаслиги орқасида цинга—зангла хасталигига ҳам дучор бўлган эди. 21 июлда у Магадандаги тақсимот пунктига етиб келиши билан Шимоли-Шарқий меҳнат-тузатув лагери бошқармасининг вакили маҳбуснинг етиб келгани ва ундан қора ишчи сифатида фойдаланиш мумкинлиги қайд этганида, врач бу ҳужжатнинг орқа тарафига «енгил меҳнат», «бир ойдик даво», «зангла» сўзларини бежиз ёзмаган: Усмон Носирнинг нафақат тишлари, балки барча аъзолари нураш олдида бўлган.

**(Давоми бор).**

**(Боши рўзномамизнинг ўтган сонларида).**



**Ушбу суратдаги қиз (ишонгингиз келмаяпти-я) нинг ёши 19 да. Германиялик. Петра Фишер деса Мюнхендаги ноҳияларнинг аҳолиси яхши билишади. Айниқса, уйларини қўлбола печларда қизитадиганларга Петра жуда қадрли. «Касби» — қувур тозаловчи. Ўйламанг, у ёқда ҳам беш бармоқ баробар эмас. Атом асри бўлгани билан бизнинг қишлоқлардан қолишмайдиган шароит Германияда ҳам мавжуд. Петра эрталаб соат 6 дан кеч соат 5 гача ишлайди. Топиш-тутуши ҳам чакки эмас.**

ТАСС суратлавҳаси.

## ЎЗГАРТИШ КИРИТИЛДИ

СОФИЯ. Болгария Халқ жумҳурияти бундан кейин Болгария жумҳурияти деб аталади. Болгария парламентининг пайшанба куни бўлган мажлисида мамлакат конституциясига тегишли тузатиш киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кун тартибидаги асосий масалалардан бирини — 1990 йил мамлакат давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар хусусидаги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси Болгария социалистик партияси билан оппозиция вакиллари ўртасида кескин мунозарага сабаб бўлди. Мазкур ҳужжат, деб таъкидлади мажлисда сўзга чиққан Вазирлар Кенгашининг Раиси Андрей Луканов, Болгария ҳукумати тақдим этган хўжаликислоҳоти дастлабки юз кунининг асосий дастури ҳисобланади. Унда бюджет ҳисобидан капитал қурилишга бериладиган маблағларни ва моддий ишлаб чиқаришга ажратиладиган ёрдам пулини кескин қисқартириш назарда тутилади, айни вақтда у иқтисодиётни маҳаллийлаштириш учун шарт-шароит яратади, нарх-навонинг ошиши ва пулнинг қадрсизланиши натижасида бўладиган зиённинг ўрнини қоплашга қаратилган тадбирлар ва ижтимоий ҳимоянинг кенг системасини таклиф этади.

Ҳукумат бошлиғи парламент аъзоларига мурожаат этиб, уларни таклиф этилган Қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашга чақирар экан, унинг бошқа йўллари ва ечимларини қидириш учун ниҳоятда зарур бўлган бир неча ҳафтани йўқотиш тўла иқтисодий инқирозга олиб келиши мумкинлигини ва бу нарса мамлакатда ижтимоий портлашга сабаб бўлишини таъкидлади.

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**УЛАН-БАТОР. (ТАСС мухбири Александр Чернов).** «Монголин залучуд» ёшлар рўзномаси «Ўзингизни ейишичишдан тийинг, демаймиз» деган кўзга ташланадиган сарлавҳа остида МХЖ ҳукумати Бош вазири Д. Бямбасурэннинг журналистлар билан биринчи учрашуви тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилди. Бош вазир вазирлар янги маҳкамасини узил-кесил шакллантиргандан кейин Монголия матбуоти вакиллари билан учрашди.

Д. Бямбасурэн ҳукумат қабул қилган дастлабки тадбирлар, яқин келгусидаги вазифалар тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Бош вазир ҳукумат дастури ишлаб чиқилганини «ушбу дастурни ўз вақтида амалга ошира оладиган омилкор тузилма» шакллантирилганини айтди. У бошқариладиган бозор иқтисодиётига ва мулк хусусийлаштирилишига ўтиш муқаррарлигини англаш зарурлигини таъкидлади.

Д. Бямбасурэн йил охирига бориб мамлакат аҳолиси 2 миллион 240 минг кишини ташкил этишини маълум қилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 35 миллиард тугриклик асосий фондлар мавжуд. Улардан 20 миллиарди аҳоли орасида акциялар тарзида тарқатилиши мумкин, деди у.

Ҳатто ривожланган мамлакатлар Монголияга ёрдам қўлини чўзганда ҳам у тараққиётга эриша олмаслигини ҳамиша ёдда тутиш зарур, деб таъкидлади Бош вазир. Мамлакат ҳар бир киши енг шимариб, ҳалол меҳнат қилгандагина гуллаб-яшнайди.

### РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

#### ИСКАНДАРНИНГ ТОБУТИ ТОПИЛДИ

● АРАБ «Аль-Азҳар» ислом дорилфунуни профессори Одил Обзил Азизнинг таъкидлашича, у Искандар Зулқайнарнинг кўмилган жойини аниқлашга муваффақ бўлган. Буюк саркарда эрамиздан олдинги 323 йилда Вавилонда ҳаётдан кўз юмган ва Ўрта Ер денгизи қирғоғидаги Искандарияда дафн этилган. Мана, бир неча асрдирки, изсиз йўқолган қабрни топиш археолог ва хазина изловчиларнинг азалий орзуси бўлиб келмоқда. Баъзи ривоятларга кўра, катта хазинани ҳам Искандар жасади билан бирга кўмишган. Яна нақл қилишларича, Искандария кутубхонасидаги ёнғиндан сўнг қимматбаҳо китобларни ҳам ўша ерга яширишган. Профессорнинг ҳисоб-китобига кўра, Искандар қабри шаҳарнинг эски мавзесидаги Даниил мачитининг остида жойлашган.


#### ҚУМ ТЎПЛОВЧИ ОДАМ

● ИТАЛИЯЛИК табиб Кундо Небулони узоқ йиллардан бери қум тўплаш билан шуғулланади. У Италия ва ўзи саёҳат қилган ўлкаларнинг чўмиладиган жойларидаги қумлардан намуна олиб қайтади. Ҳатто бу ишда унга яқин қариндошлари, дўстлари ҳам ёрдамлашиб туришибди. Табибнинг ҳозиргача тўплаган қумларининг сони 300 хилдан ошиб кетди.

#### ЎЗИНИ-ЎЗИ ҚУТҚАРДИ

● ШИМОЛИЙ Олмониянинг Любек шаҳри фуқароларидан бири иккинчи жаҳон уруши давридан қолган ертўлада икки кун қамалиб қолди. Уй-жойсиз кўчада дайдиб юрган бу одам ертўлага дуч келгач, тинч бошпана топганидан хурсанд бўлиб, у ерга кириб олди. Шанба куни эса ташқари чиқмоқчи бўлганида, ертўланинг оғзи ғишт билан мустаҳкам беркитилганини кўриб эси оғаёзди.

Учинчи кун эса таваккал қилишга мажбур бўлди. Ертўладаги эски рўзнома қолдиқларини йиғиб, ўт қўйди. Таваккал қилганидек, ертўла ҳаво тозалагичи орқали ўтган тутун ўт ўчирувчилар-у полициячиларнинг диққатини тортди.



Шарқ халқ табобати усуллари компьютер техникаси билан уйғунлашган ҳолда Наманганда очилган Шарқ тиббиёти марказида кенг қўлланмоқда. Халқ табиби Муҳиддин Умаров беморларнинг томир уришига қараб касалликларини аниқламоқда. Табиб қобилиятига асосланган ҳолда олимлар юқори сезгирли узатгичдан ташкил топган махсус асбоблар йиғиндисини шахсий ЭҲМ системасига улашди. Шундай қилиб ҳозир Шарқ тиббиёти марказида бемор касаллигини компьютер аниқлайди. Даволаш ва компьютер ишини назорат қилиш Н. Умаров зиммасида.

СУРАТЛАРДА: 1. Шарқ тиббиёти маркази. 2. Шарқ тиббиёти маркази бош шифокори Ҳ. Қосимов бемор томир уришини қоғозга туширмоқда.

А. КОВТУН сурати.
ЎзТАГ.



## «РОТОР»— «ЛОКОМОТИВ»—1:0

Кўпчилик мухлислар 17 ноябрь куни волгоградлик футболчилар Москвадаги мағлубият аламини ўз майдонида барибир оладилар деб ўйлашганди. Йўқ, афсуски бундай бўлмади.

Қизиқ, аслида биринчи лиганинг энг сўнгги ўйинларини кузатган мухлислар бўлса, «Локомотив»нинг олий лигага ўтиш ўйинларида қатнашишини аввал тасаввур ҳам қилмаганди. Тасодифни қарангки, омад келса ҳеч гап эмас экан. Мана улар аввал Москвада 3:1 ҳисобида йирик ғалабани қўлга киритдилар. Ростини айтганда мезбонлар олий лигада ўйнаб ҳам шу кунгидек ўйин кўрсатишмаган экан. Қанча қулай вазиятлар бой берилди. Темирйўлчилар учун эса асосийси гол ўтказмалик эди. Шундай бўлди ҳам. Олдиндан пухта ўйланган тактика иш берди. Меҳмонларнинг ҳимоячиларини-ку қўяверинг, ҳатто ҳужумчилари ҳам деярли хавфли вазиятларда гол уришга шошилмадилар. Чунки биринчи ўйиндаёқ асли улар учун олий лигага йўлланма нақд қилиб қўйилгандек эди. «Ротор» футболчилари агар жавобсиз иккита тўп киритганларда борми...

Меҳмонлар ҳам кўпам анойилик қилишмади. Буни қарангки, бир ўйинда уларнинг 4 ўйинчиси ҳакамдан огоҳлантириш олди. Бунинг устига Галакберовнинг майдондан чиқариб юборилиши бу ҳам команданинг «тактика»ларидан бири-да. Кейинги пайтда негадир мусобақа ҳакамларидан нолишни биламизу, лекин ўзимиз севиб олқишлаган ўйинчиларнинг қўпол, ҳақиқий футболчига хос бўлмаган ҳаракатларидан кўз юмамиз. Бу эса кимлар учун ғалаба, кимлар учун мусибат, бир умрлик армон бўлиб қолишини билсак эди...

Майли, не бўлганда ҳам Волгоградцаги учрашувга ҳакамлик қилган минсклик Вадим Жук шафқат қилмади. Чунки 25 мингдан кўпроқ «Ротор» мухлисларининг аламли нигоҳига бардош беришнинг ўзи бўлармиди?

* * *

Худди шу куни мамлакат кубогининг нимчорак ўйинлари ҳам бўлиб ўтди. Москва спартакчилари ўз ҳамшаҳарлари динамочиларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб чорак финалга йўлланма олдилар. Қолган учрашувларнинг натижалари қуйидагича якунланди. «Черноморец» — «Динамо» (Ставрополь) — 2:0, «Днепр» — МАСК — 2:2, «Шахтёр» — «Динамо» (Минск) — 1:1, «Карпати» (Львов) — «Торпедо» (Москва) — 1:3.

Шундай қилиб чорак финалга «Черноморец», МАСК, «Динамо» (Минск) ва «Торпедо» командалари йўлланма олдилар.

«Обуна—91» «Муштум» ойномаси меҳмонимиз «Обуна — 91»

# Бозоргир кулги

Шу кунларда бир сўз тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Овозингорни бурасангиз ҳам шу сўз, ойнаи жаҳонни очсангиз ҳам шу сўз. Рўзнома-ю ойномалар ҳам шу сўзнинг шарҳидан бўшамай қолди. Бу «сақич» — сўз Бозор! Бир пайтлар одамлар «бозор» сўзини аллақандай қувонч, ёки ширин бир энтикиш билан тилга олишар, уни орзиқиб кутишар, «Отанг бозор, онанг бозор» дея мақолалар тўқишарди. Эндиликда бу сўзни эшитганда кишининг кўнглига мавҳум бир ташвиш қуйилиб келгандек бўлади. Ҳатто бировлар бозорга тушишдан ҳам чўчийдиган бўлиб қолишди. Чунки бугунги кунда ҳамма нарса бозорга солинди: Оқибат ҳам, маънавият-у қадр-қиммат ҳам.

Янги бозор иқтисодиётини биз оппоқ қоғоздан, шу қоғоз эвазига миллиард нусхаларда тарқатиладиган маънавият озуғи-рўзнома-ю ойномаларнинг нархини оширишдан бошладик. Куни кеча кимдир ҳукуматнинг бу тадбири ҳам халққа ичкиликбозликка қарши кураш ҳақидаги махсус қарордек миллиард сўмлаб зарар келтирмаса гўрга эди, деди. Ҳозирча бу баҳсга чек қўяйликда, бўладиган гаплардан отамлашайлик.

Шундай қилиб, янги бозор иқтисодиёти туфайли КУЛГИНИ, ҲАҚ СЎЗНИ, кулги либосидаги АДОЛАТни ҳам бозорга солдилар. Яъники, масалан «Муштум»ни бозорга солдилар. Бу соҳада ҳам бизнинг жумҳуриятимизда ўзига хос йўл тутилди. Бундан уч-тўрт йил олдин ўзбек пахтакори ўз пахтасининг баҳосини ўзи белгилай олмаганидек биз муштумчилар ҳам ўз мажалламизга ўзимиз баҳо қўя олмадик. Бизни аралаштиришмади. Аралашган эдик, сўзимиз ерда қолди. Агар сўзимиз ерда қолмаганда эди, «Муштум»нинг ҳар бир сони 75 тийин эмас, Украинада чиқадиган худди шу ҳажм, шу кўринишдаги «Перец» ҳажвий мажалласидек 50 тийин қилиб белгиланган бўлурди...

Начора! Энди бу нархни ўзгартириш қийин экан. Фақат ҳозирча обунанинг кетиши бизни бирмунча умидвор қилиб турибди. Мижози қазига, қўй гўштига мослашган кишилар бозорда бу маҳсулотларнинг нархи қанча баландлашсада олиб емаса тура олмаганидек, «Муштум» ўқишга одатланган муштарийлар ҳам оғриниб бўлса-да унга обуна бўлмоқдалар. Куни кеча Ровно шаҳридан бир хат олдик. Унда В. Викторов деган муштариймиз олти йилдан бери «Муштум» мажалласини олиб, масхара гапирадиган бўлдим, бу йил обуна нархи ошган бўлса-да, албатта олиб ўқийман», деб ёзибди.

Хуллас, мажалламизда 1991 йилда «Ажабо», «Дардли сатрлар», «Бозоргир мавзу», «Ошкораликми, ошкоралик», «Пештахтадаги ҳақиқат», «Бир қайнови ичида гаплар», лоф, латифалар узлуксиз бериб борилади.

Жумҳурият Олий Кенгашидан, Ички ишлар вазирлиги, жумҳурият Хуфя қўмитаси ҳужжатгоҳларидан қизиқарли, тиғли, нишли мақолалар эълон қилиш ниятимиз бор.

Халқимиз орасидан етишиб чиққан машҳур қизиқчилар меросидан муштарийларни баҳраманд этиб борамиз. Янги йилдан ёшлар, талабалар ва миттивойлар кулгисига ҳам кенг ўрин берилади. Мажалламиз ташаббуси билан бошланган «Қизиқчи» танловига ҳозирнинг ўзидаёқ тайёргарликни бошлаб юбордик.

Азиз муштарийлар!

Агар бир йилга обуна бўлиш қимматлик қилса, ярим йилга, уч ойга обуна бўлиб ёзилсангиз бир мунча ҳоврингиз пасаяди. Кейин, нарёғи бир гап бўлар.

Яна кўплаб ҳайратталаб, савобталаб ташкилотлар ўз ҳисобларидан бева бечораларни, қария ва нафақахўрларни «Муштум»га обуна қилиб, уларнинг умрига умр қўшишга ният қилишибди. Биз уларга баракалла, кам бўлманглар, дедик.

Ҳаммаёқ жиддийлашиб, сиёсатдонлик авжига чиққан айни пайтда жиндай кулгига, беғараз табассумга нима етсин!

Кеб қолинг, бозоргир кулгига!

Неъмат АМИНОВ,
«Муштум»нинг бош муҳаррири.

# ТЎН МУБОРАК

Нима десангиз денгу ҳисоботларда ифтихор билан бот-бот тилга олинаётган гаплар рост: бу йил Ўзбекистон испўрти учун яхши бўлди. «Пахтакор»нинг қандай мартабага эришганлиги айтилди — биласиз. «Нефтяник» (мен овсар уни Туюмен кўмандаси деб юрарканман, фарғоналикларнинг шаънини ҳимоя қиларкана, тавба!) минан «Навбаҳор» (Наманган) биринчи лигага чиқди. «Андижанка» чимли хоккейда яна пешқадам бўлди. Дўконларда нега қандқурс камайиб кетди десак, «Ўртоқ» фабрикасидаги шавволарнинг ишқи сув тўпига тушган экан — тузган кўмандаси Иттифоқда иккинчи ўринни олди... Хуллас, тўй кўп. Ҳамманинг кўзи бизда. Биз эса ғолиблик тўнини кийиб, тўрдан жой бўшатишларидан умидвор бўлиб турибмиз. Андак шошилмадикмикан?

Хўш, «Пахтакор» олий лигага кимнинг кучи билан чиқди? Асосан «меҳмонлар»нинг. Эртага московликлар Пиёдўр Новикўф — бизники, беринглар — ўзимизга керак деса. Арманлар, энди Хоренбойга навбат келдими деб, Оганесянни олиб кетса. Андрей Пятнитскийни киёвлик жўралари чақираётган бўлса... «Пахтакор» судралиб чиққан «чўққи»сидан пастга яна думалаб кетмайдими? Кетса, куппакундузи қўлга тушган ўғрига ўхшаб қолмаймизми? Худо сақласин, ана шундай тўн талашув бошланса, испўртимизнинг бошқа турлари бошига ҳам қора кунлар тушади. Бировларнинг орқасидан тўн кийиб керилишга, ўрденлар тақишга, амалга миниб, мукофотлар олишга роса ўрганиб қолган эканмиз.

Гоҳ хайрлашиб, гоҳ «Пахтакор»нинг аввалги сардори Носуфга ўхшаб, хайр-маъзурни-да насия қилиб, ўзбек испўртини қон қақшатиб кетган ва кетмоқ ниятида юрган ўйинчилар, тренерлар қанча экан юртимизда? Буни биз ҳеч қачон билолмасак керак. Йўқ-йўқ айтинг кетмасин улар! Майли, ҳар йили биттадан эмас, иккитадан мошин, шаҳарларимизнинг энг соз жойларидан уй, мўл-мўл маошу мукофотлар, унвонлар берайлик, фақат кетмасин!..

Баъзи бир дунё бехабарлар, айтишадики, Марказий армия испўр қлуби кўмандаларида фақат ҳарбийлар ёки ҳарбийга алоқаси борларгина ўйнашади, ишлашади. «Пахтакор»да ҳам пахтакорнинг болалари ёки ғўзага этаги текканларгина ўйнасин, ишласин, деган «Низом» қабул қилинсин!.. Бу ҳеч бир куракда турмайдиган таклиф! Ахир унда ҳамма испўртга қизиқиб, қадди кўтарилиб кетади-ку! Иннан кейин, испўрт мактаблари, иншоотларидаги машғулотларни ўзбекчада олиб боришга тўғри келади. Энг ҳавфлиси — давлатга ҳар йили беш милён тўнна пахтани ким етказиб беради?!

Ғолибларга тўн ярашади. Тўн муборак бўлсин.

КЕНЖАҚУЛ.

# ЧУМЧУҚ, ҚАССОБ ВА ТИЛ

«Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган мақол ўзи жуда эски-ю, негадир бир-икки йилдан бери сира оғиздан тушмай қолди. Катта минбарлардаям шу гап, пана-пастқамлардаям шу гап.

Ҳадеб ва ҳар ким айтаверса, қулоққа ғалати эшитиларкан...

Масалан, тилшунослик соҳасининг қассоби ким? Албатта, тилшунос олимларда! Лекин улар қўй ё мол тилини эмас, халқ тилини нимталаб-нимталаб... ўрганишади, шунинг орқасидан кун кўришади. Икки йилча бурун халқ кўчага чиқиб: «Ўзбек тили қўй ё молнинг эмас, халқнинг тилидир, бунга Давлат тили мартабаси берилсин!» деб ҳайя-ҳайя бошлаганида қассобларимизнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралди-қўйди. Айримларининг пичоғи ўтмас чиқди, жуда кўплари шу пайтгача пичоқни тескари ушлаб келган экан. Халқ эса, нега чумчуғим (тилим) ҳаром ўляпти, деб гаранг эди...

Ҳай, майли, булар ўтди, гина қилмаймиз. Аммо кечагина: «Ўзбек тилининг тарихи нари борса етмиш йилга боради, бу тил Ўктабир инқилобидан кейингина шаклланган, Алишер Навоий тилининг ҳозирги ўзбек тилига алоқаси йўқ!. («Ўзбек тили ва адабиёти» ж. 1978 й. 2-сон) деб дод-вой солган баъзилар энди даврон ўзгариб, тилга Давлат тили мартабаси берилиб, шу тилнинг яратувчиси ва ягона эгаси бўлмиш халқ ўз тилини қатъий ислоҳ қилишга киришса, панадан бошларини чиқариб: «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсе-е-ен!» (Азим Ҳожиев. «Сов. Ўзб».нинг 14 август сони) деб дакки бера бошладиларки, астағфуруллоҳ демасдан иложингиз йўқ.

Тўғри, мақолда гуноҳ йўқ, мақолни халқ жуда топиб тўқиган, лекин бунда гап пичоғи ўткир, халқ дарди билан яшовчи довюрак қассоблар тўғрисида бўлса керак, бизнингча. «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» мақолининг руҳидан маълум бўлдики, ҳозирча чумчуғимизни баъзи қассобларнинг қўлига ишониб топшириб бўлмас экан. Ҳали жичча эрта экан, жичча эрта...

# СИЁСИЙ ЛАТИФАЛАР

**Иккита склет учрашиб қолиб, бири иккинчисидан сўрабди:**

**— Ҳой, менга қара, сен озиқ-овқат дастуригача ўлганмидинг ё кейинми?**

**— Қўй-э, мен ҳали тирикман.**

* * *

**Икки оғайни суҳбат қурарди:**

**— Келгуси йилдан бошлаб юқори унвонли зобитларга қоракўл қалпоқ берилмас экан.**

**— Нега?**

**— Иқтисодчилар ҳисоблаб чиқишибди: терини бир қўйдан шилиб олиб иккинчисига кийдириб қўйишдан фойда йўқ экан.**

* * *

**Горький кўчаси бўйлаб, А. Пушкин ҳайкали ёнига етиб келган икки аскардан бири иккинчисига деди:**

**— Ноҳақликни қара, Дантес нишонга аниқ урсаям, Пушкинга ҳайкал қўйишибди.**

* * *

**Ноҳия фирқа қўмитасига бир одам кириб келиб, сўради:**

**— Маъзур тутасиз, мен фирқага кирмоқчи эдим. Кимга учрашсам экан?**

**— Асаб дўхтирига.**

М. ПАРПИХЎЖАЕВ таржимаси.
(«Собеседник»дан).

# БИЗДАН СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

«Ой бошида молхонамизда ёпиқ майлис бўлди. Молбоқарлар, гўнг тозаловчилар, собиқ чўпонлар йиғилдик. Жаҳон молбоқар олимларнинг симпўниясими, симпўзиясими бўлган экан, ўшанинг қайсидир қарорини муҳокама қилдик. Ҳамма гапирди. Менам гапирдим. Бизди моллар ўзининг гўнгига ботиб, билчиллаб яшаяпти, қачон бизга демократия бўлади, дедим. Бошқа ҳеч нарса демадим. Ҳа, яна, фермерлар қақа қараяпти, дедим шекилли. Шу, холос. Молхонамизга мовун бўлиб қаёқдандир келган кадр майлис охирида ўрнидан турдида, «Сезишимча, кейинги пайтлар молхонамизда антиферма кайфиятлар кучайибди, биз, чўпон-чўлиқлар бундан эҳтиёт бўлишимиз керак, антиферма ғояларни молхонамизга яқинлаштирмайлик» деб роса ваҳма кўтарди. Кимга ишора қиляптийкан, десам, нуқул менга қараб гапирди. Мен бўлсам, ўлай агар, «анти» нималигини тушунган бўлсам.

Ҳурматли «Муштум» балки сен тушунтириб берарсан?

Салом ва эҳтиром билан,

Кострома зотли сигир боқувчи

Абдиқул БЕРДИҚУЛ ўғли.

**«МУШТУМ»дан:**

**Ҳурматли Абдиқул Бердиқул ўғли! Айб ўзингизда! Молларга демократия сўраб нима қиласиз? Шунча йил гўнгига ботиб, билчиллаб яшаб келибди, яшайвермайдими яна шунча! Гўштга яраб турган бўлса бўлди-да! Энди, мовунингизнинг нутқига келсак, биз унга қарши бир нима деёлмаймиз. Чунки ҳозирча ўзимиз ҳам ўша ферма мовунининг йўриғидан чиқиб кетолганимиз йўқ.**

**Яна бошқа саволлар туғилса, тортинмай сўрайверинг, бажону дил жавоб берамиз. Саломат бўлинг, Абдиқул Бердиқул ўғли!**

Ш. Е. КИШИ.

## НАМАНГАНДА «ХИТОЙ ШАҲАРЧАСИ»

Наманганга «Хитой шаҳарчаси» зеб бўлади. Меъморлар, безакчилар ва Совет—Хитой дўстлик жамиятининг вилоят бўлими бу ишнинг ташаббускори бўлдилар. Шаҳар ижроия қўмитаси қурилиш учун ер ажратди, мутасаддилар эса уни маблағ билан таъминлашга киришдилар.

Иншоотларнинг биринчиси — Хитой таомлари ресторани қурилиши бошлаб юборилди. Унинг ёнида шарқона якка кураш спорт-соғломлаштириш биноси қад кўтаради. «Хитой шаҳарчаси»нинг қурилиши савдо расталари билан ниҳоясига етказилади. Расталарда Хитойда тайёрланган халқ истеъмол молларини сотиш мўлжалланмоқда.

Шаҳарча лойиҳасини Наманган безак маркази — тажриба-ишлаб чиқариш ижодий бирлашмаси ишлаб чиқди. Марказ лойиҳаларига биноан ҳозирнинг ўзида автовокзал ва Чортоқда спорт-соғломлаштириш иншооти қуриб битказилди.

— Шаҳарча қурилишида анъанавий Хитой меъморчилигининг жиҳатлари кенг қўлланилади, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири Д. Рязанов. — Ресторан 200 нафар хўрандага мўлжалланган. Шарқона якка кураш биносига янада кўпроқ одам сиғади: минг нафар томошабинга мўлжалланган иккита спорт зали, иккита сауна бўлади. Ана шу ерда Шарқ муолажаси йўли билан даволаш ишлари олиб борилади. Бунга игна билан даволаш ва уқалаш ҳам киради.

(ЎзТАГ мухбири).

## ТВ

**ЧОРШАНБА**
**21 НОЯБРЬ —**

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Басат — Тепагёза ғолиби». Мультфильм. 18.30 «Ўқитувчи экрани». Физика дарсида янги усуллардан фойдаланиш. 19.00 «Ойнаванд пайкаллар саховати». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Пўлат Махсум. «Нур». Теленовелла. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Наволар оғушида». Гулнора Низомова, Эркин Рўзиматов. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Жаҳонгашта шоир». Фурқат таваллудининг 130 йиллигига. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Сабаб ва оқибат». 19.40 «Чорраҳа» (рус тилида). 20.10 «Интилиш».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бех аз санноъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 «Менинг тақдирим». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Каштанка». Мультфильм. 9.35 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 10.40 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 12.40 Татар халқ қўшиқларини Г. Сафиуллина ижро этади. Қозондан кўрсатилади. 13.00 «Вақт». 13.50 «Халқ қалби тирик экан...». Россия халқлари миллий спорт турлари фестивали ҳақида. 14.20 Б. Бриттеннинг Рембо шеърлари асосида яратган вокал туркуми.

* * *

16.15 Болалар учун фильм. «Бенно билан содир бўлган воқеалар». 1-серия. 17.25 Чечен-Ингушистон АССР «Вайнах» давлат рақс дастасининг концерти. 17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 19.00 «Вақт». 19.30 «Сифат ва бозор». 20.15 «Ялта-91». 20.25 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Коллаж. 22.05 Ян Френкел хотираси концерти. 23.05 «Босқичлар». 00.20 «ТСН».

# Ҳаракатдаги эшик

ШИНГИЛ ҲАЖВ

Эшик очилди. Ўқитувчи кирди. Дарс бошланди.

— Василий Шуйскийнинг соқол-мўйлови қиртишлаб олиниб, умрбод монахликка юборилди. Шундан кейин...

Эшик очилди, Ҳамма қаради. «Меҳнат» муаллимининг боши кўринди.

— Кечирасиз, Сафарбой ака, ўғил болалардан олти дона керак экан. Директор айтди. Сал бақувватроқлардан бўлсин.

Бақувват болалардан олтита танланди. Чиқишди. Эшик ёпилди. Дарс давом этди.

Шундай қилиб, Смоленск босқинчилар қуршовида...

Эшик очилди. Остонада давоматни текширувчи кўринди.

— Узр, домла, бор-йўқларни...

Давомат аниқланди. Эшик ёпилди. Дарс давом этди.

— Шаҳар тўрт ой қамал қилиб турилди. Боярларнинг хоинлиги туфайли...

Эшик очилди. «Тескари шапалоқ» пайдо бўлди.

— Кейинги соатда бўшмисиз? Биз ўшатта бўламиз. Қўшворайми? «Ҳалиги»ям келаман деди.

Эшик ёпилди. Дарс давом этди.

— Шундай қилиб босқинчиларга қарши курашда...

Эшик очилди. Яна давоматни текширувчи кўринди.

— Танаффусда йиғилишга кирар экансиз.

Эшик ёпилди. Дарс давом этди.

— Майдон ўликка тўлди. Шаҳар аҳли...

Қўнғироқ чалинди. Эшик очилди...

Абдураҳмон ЖЎРАЕВ.




Нурман БЕРДИЕВ чизган расм.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28618.